БУГУН АКМАЛ ИКРОМОВ, КИРОВ, КУЙБИШЕВ ВА СЕРГЕЛИ РАЙОНЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 277 (4376)
5 ДЕКАБРЬ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонтни заводи пўлат қуйиш цехининг ишчилари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасини жонажон партиямиз, Совет Ватанимиз билан фахрланиш ҳис-туйғулари билан кутиб олдилар.

СУРАТДА: цех комитетининг раиси Тамара Земляко пўлат қуйиш цехи ишчиларини КПСС Марказий Комитети қарори материаллари билан таништирмоқда.

А. Горонрик фотоси, (ЎзТАГ).

Акмал Икромов району

Янги мажбурият қабул қилинди

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 12-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармасининг Васило Хариашвили етакчилик қилаётган комплекс бригада ўнинчи беш йилликни юксак кўрсаткичлар билан якунламоқда. Яқинда бу пешқадам коллектив «Олмазор» массивидаги 32 квартирали тўқ қиз қаватли бинони фойдаланишга топширишга ҳозирлаб қўйди. Умумий қурилиш ишлари белгиланганидан бир ой аввал уддаланди.

— Бригада аъзолари КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдиришмоқда, — дейди участка прораби М. Богомольний.— КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Муҳокама вақтида коллектив аъзолари мамлакатимиз коммунистларининг бўлажак анжуманини муносиб кутиб олиш ниятида зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Бригадада бўлган йигилишда сўзга чиққан электр пайвандчи М. Исҳоқов, монтажчи М. Мусаев, дурадгор А. Смирнов, звено бошлиғи Э. Игель ўз қасбдошларини ўн биринчи беш йилликда тикланадиган барча объектларни фақат аъло баҳода қуриш, 1981 йилнинг биринчи квартали планини КПСС XXVI съезди очиладиган кунга қадар бажаришга чақиришди.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Тошкент булка-кондитер комбинатининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига юксак социалистик мажбурият қабул қилишди. Йил охирига қадар планга қўшимча 10970 тонна макарон, 4220 тонна кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4470 минг сўмликка етади.

Корхонадаги илғорлар орасида 4-ишлаб чиқариш цехи мастери коммунист Юрий Алексеевич Кожевников етакчилик қилаётган бригада ҳам бор. Бригада беш йиллик планини 7 ноябрда бажарган эди. Ҳозир бу коллектив ўн «биринчи беш йилликнинг биринчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ишчилар кунлик топшириқни мунтазам 126—128 процент бажаришга эришмоқдалар.

Юрий Алексеевич ёш авлодга алоҳида эътибор билан қарайди. Чунки у ёшларнинг тажрибали мураббийси ҳисобланади. Шу вақтга қадар 26 ўсмирга қандолатчилик касби сирларини ўргатди.

Ишлаб чиқаришда коммунист Инобат Исамуҳамедова ҳам ундан орқада қолаётгани йўқ. Бу пешқадам ишчи кунлик топшириқни 115 — 118 процентга етказиб бажармоқда. Ишлаб чиқариш илғори бўлган мураббий ҳозирга қадар 15 ёш ишчига касб сирларини ўргатди. Ҳозир унинг меҳнат календарида 1981 йил ўтиб бормоқда.

Ёш коммунист, токарь Ориф Ҳусанбоев ҳам ишлаб чиқаришда тажрибали ишчилардан орқада қолаётгани йўқ. Кунлик топшириқни муттасил 118 процентга етказиб бажараётган бу ишчи ўз малакасини тобора такомиллаштириб бормоқда.

Тошкент булка-кондитер комбинати ҳар куни 150 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотларнинг 45 тоннаси нонбулка маҳсулотлари, 50 тоннаси қандолат маҳсулотлари, 60 тоннаси макарон маҳсулотларидир. Корхона олти хил маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрламоқда. Бу ютуқларда комбинатда жамғровр меҳнат намунасини кўрсатаётган коммунистларнинг ҳиссалари каттадир.

В. ИВАНОВ.

Киров району

• *Бизнинг интервью*

Ишчанлик кайфиятида

Ўзбекистон пойтахтининг Киров райони. Беш йиллик даврида бу ерда катта ўзгаришлар юз берди. Янги микрорайонлар пайдо бўлди, магистрал йўллар қурилди, кўчалар, проспектлар, хиёбон ва майдонлар гўзаллашди. Саноат, қурилиш корхоналари, лойиҳа институтлари аниқ маром билан ишлаяпти. Меҳнат коллективларининг ютуқлари, уларнинг хайрли ишлари ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари ҳақида район ҳисобот-сайлов партия конференцияси арафасида бизнинг илтимосимизга кўра район Совети ижроия комитетининг раиси Ж. М. Жонибеков қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳозирги даврнинг ўзига хос белгиси съездолди социалистик мусобақасининг кенг авж олганлигидир. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми ва Леонид Ильич Брежневнинг ундаги нутқи, шунингдек, кўни кеча эълон қилинган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳаси меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада ўстириб юборди. Корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг коллективлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти, мардонавор меҳнат намуналарини кўрсатишяпти.

1980 йилнинг охирига бориб, район саноатининг ялпи маҳсулоти 1975 йилга нисбатан 28 процент, меҳнат унумдорлиги 19,19 процент ўсади. Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган маҳсулот улуши ўтган йилга нисбатан 3 процент кўпайди ва 26,6 процентни ташкил этади ёки тайёрланган тўртта буюмнинг биттасига фахрли беш киррали белги қўйилган бўлади.

11 - «Висотстрой» трестининг Мухтор Ҳабибуллаев бошчилигидаги комплекс бригадасининг катта ютуғини таъкидлаб ўтиш қувончлидир. Бу коллектив 1980 йил 7 ноябрда икки беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмасининг А. Ким, В. Сидоренко, А. Новосельцева, М. Тўлаганова, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг М. Васильева, Д. Бузруксаидова, Н. Воҳидова каби ишчилари ҳозирнинг ўзида шахсий икки беш йиллик планларини адо этишди.

«Ташстройматериали» ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, «Ўртоқ» ва тўқимачилик-галантерея фабрикаларининг, «Ўзбекэнергоремонт» корхонаси, «Строймеханизация», «Висотстрой», «Ўзпромвентилация» трестларининг, 7-ремонт қурилиш бошқармасининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига беш йиллик топшириқларини бажаришди.

— Районнинг ривожланиши тез суръатлар билан боргани маълум. Уй-жой қурилишининг кўлами қандай?

— Район Советининг ижроия комитети, унинг бошқарма ва бўлимлари район партия комитетининг раҳбарлиги ва кундалик ёрдамида корхона ва ташкилотларнинг меҳнатчиларига яхши меҳнат, манший хизмат ва дам олиш шароити яратиш учун мунтазам иш олиб боришяпти. Чунки ана шу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши меҳнат унумдорлигини ўстириш, кадрларнинг бир жойда қўним билан ишлашини таъминлашга алоҳида таъсир кўрсатади.

Коммунистик партиянинг совет кишилари фаровонлигини оширишдаги ғамхўрлиги уларни уй-жой билан таъминлашда айниқса, яққол намоён бўляпти. Шу йилнинг охиригача 78,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, ўнинчи беш йиллик давомида эса 454,5 минг квадрат метр фойдали майдонга эга бўлган уй-жой қурилади, 34,5 минг киши уй тўйлари ўтказади.

Уй-жой фонди — халқнинг катта бойлигидир. Уй-жой органларининг ходимлари аҳоли билан ҳамкорликда уйларни авайлаб-асраш, уларнинг сақланишини, микрорайонларнинг ободончилиги ва санитария ҳолатини янада яхшилаш учун мунтазам ва фаол кураш олиб боришяпти. Фақат шу йилнинг ўзида капитал ва жорий ремонт ишлари учун 3 миллион 170 минг сўм сарфланади. Бу планда кўзда тутилганидан 185 минг сўм кўп демакдир.

Коммунистлар, районнинг барча меҳнаткашлари ўзларининг ҳисобот-сайлов партия конференциялар и г а ишчанлик кайфиятида, ижодий куч ва ғайрат билан келишди. Бу ўн биринчи беш йилликка белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида гаров бўла олади.

Суҳбатни А. ХАТАМОВ олиб борди.

Аҳдга садоқат

«Узбекссельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилоти район партия конференциясига 14 делегат юборди. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорлари темирчи Г. Холматов, фрезеровкачи У. Щербоев, лармаловчи У. Исаҳўжаева ва бошқалар бор.

Улар заводнинг барча ишчилари қатори КПССнинг XXVI съезди шарафига олинган юксак социалистик мажбурилтларни бажариш —1980 йилда планда кўзда тутилганидан 0,5 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилиш учун ғайрат билан меҳнат қилишди. Машинасозларнинг делегатлари конференцияда шундай рапорт беришади: мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди, бирлашма ўн бир ойлик якунларига кўра истеъмолчиларга пландан ташқари 600 минг сўмлик маҳсулот жўнатди. Демак, буюртмачиларга қўшимча сеялкалар, тупроққа гербицидлар сочувчи мосламалар, қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар юборилди.

— Энди янада яхши ишлашимиз керак, дейишяпти завод ишчилари.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳаси бўйича КПСС Марказий Комитетининг қарори меҳнат ғайратини жўшдириб юборди. Ишчи коллективларида, йигилишларда лойиҳа муҳокама қилиняпти. «Узбекссельмаш»ликлар оширилган мажбуриятлар олишяпти. Чунки, завод конвейерларида йигилган машиналар пахта етиштириш ва мўл ҳосил олишга ёрдам бераяпти. Бу демак, пахта материал ва газламаларга айланиб, совет кишиларининг фаровонлигини янада яхшилашга имкон беради.

В. ДРАЧЕВ.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг геология ва геофизика илмий-текшириш институти коллективи Киров район партия конференциясини меҳнат соҳасида катта ютуқлар билан нишонламоқда.

СУРАТДА: физик усулда текшириш лабораториясининг кичик илмий ходими Н. Зеленская ва инженер Г. Сим минераллар таркибини ўрганиш жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

Транспортчилар марраси

«Зарбдор меҳнатимиз — КПСС XXVI съездига!» Бу плакат 2-таксомотор паркининг пештоқига осилган. Мамлакатимиз коммунистларининг ҳаётида бўладиган муҳим воқеа шарофатига ҳайдовчилар, ремонтчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилди.

Автокорхона ходимлари ўнинчи беш йилликни катта ютуқлар билан якунлашмоқда. Пассажирлар ташиш плани 27 сентябрда уддаланди. 44 ҳайдовчилар коллективи шахсий беш йиллик планларини бажарди.

КПСС XXVI съезди шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилишига Р. Каримов, В. Михельсон, Б. Ивушкин, Н. Набиев, Н. Абдуллаев, П. Горбунов ва бошқалар етакчилик қилаётган бригадалар салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Бу коллективларнинг ҳаммаси беш йиллик топшириқларини уч йилда бажаришга муваффақ бўлишди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»ни қизғин муҳокама қилган таксопарк коллективи зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Бу мажбуриятда йиллик планни 20 декабргача бажариш, планга қўшимча 1,6 минг кира-километр иш бажариш, ва 130 минг сўмлик иқтисодий самара олиш белгилаб қўйилди.

Куйбишев району

Бригаданинг зарбдор вахтаси

Газеталарда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» Тошкент қурилиши Бош бошқармаси 4-трести 18-қурилиш бошқармаси қурувчиларининг меҳнат ғайратини жўш урдириб юборди. Меҳнат беллашувида Ўткир Абдурахмонов етакчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси пешқадамлик қилмоқда.

— Бунинг мазмуни бор, — дейди 18-қурилиш трести ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Л. Солдатова. — Ахир бу коллектив жуда кўп яхши ишларни бошлаб берган. У илгор технологик янгиликларни ўзлаштиришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Злобин методи асосида иш юритиш туфайли бригада 320 ўринли икки қаватли болалар богчасидаги умумий қурилиш ишларини муддатидан ярим ой аввал бажаришга муваффақ бўлди.

Ҳозир кўприк отряди Чилонзор ва Октябрь районларини боғловчи, узунлиги 777 метр бўлган ажойиб транспорт тоннели қурилишида иштирок этмоқда. Бу транспорт тоннели «Халқлар Дўстлиги» комплексининг бир қисмидир. Бу ерда айниқса, «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери И. А. Бацули стахановчилигидаги бригада яхши ишламоқда. Бу коллектив район партия конференцияси очилиши арафасида 1982 йил ҳисобига ишлашга аҳд қилган.

Кўприк отряди коллективи орасида И. А. Бацулидан ташқари метрополитен қурилишида ва шунингдек, Амударё орқали СССР территориясини қардош Афғонистон билан боғловчи ажойиб «Дўстлик кўприги» қурилишида меҳнатдаги юқори кўрсаткичлари учун мукофотланганлар анчагина. П. Д. Гузирин, Г. М. Минутдинова ва бошқа коммунистлар ҳамда комсомоллар шулар жумласидандир.

Беш йиллик план—съезд очиладиган кунга

Тошкент экскаватор заводидаги А. Абдурасулов етакчилик қилаётган механика цехидаги бригада ишчилари зиммаларига юксак мажбурият қабул қилишди. Коллектив КПСС XXVI съезди очиладиган кунга қадар беш ойлик планни бажаришга аҳд қилди. Шунингдек, Р. Йўлдошев, В. Слинько ва Г. Содиқов етакчилик қилаётган ишлаб чиқариш коллективлари ҳам ўзлари учун ана шундай маррани белгилаб қўйишди.

Яқин кунларга қадар механика цехида бригадалар йўқ эди, ҳар бир станокчи алоҳида иш юритарди. Меҳнатни бундай ташкил қилишга барҳам берилди. Коммунистларнинг таклифига кўра цехда бригадалар ташкил қилинди. Бу ўз навбатида илғор тажрибани кенг оммалаштириш, ёшларга меҳнатнинг илғор усулларини ўргатиш имконини берди.

Тошкент трактор заводидаги меҳнат беллашувларида коммунистик меҳнат зарбдорлари пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг орасида 24-цех прессловчиси Н. Топоркова ҳам бор. Мамлакатимиз коммунистларининг анжуманини муносиб кутиб олишга аҳд қилган бу ишчи кунлик топшириқни 120— 125 процент адо этмоқда.

СУРАТДА: Н. Топоркова.

Ю. Игумнов фотоси.

Сергели району

АРМУҒОН

Сергели авиакорхонасининг коммунистлари, бутун коллектив район партия конференциясини жуда юксак меҳнат кўтаринкилиги руҳида қарши оляптилар. Биз 24 ноябрдаёқ барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик планни бажардик, 10 октябрда эса беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганлигимиз тўғрисида рапорт бердик. Қишлоқ хўжалик майдонларини авиация-кимёвий жиҳатдан қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш учун соатлари бўйича белгиланган кўрсаткичларни ошириб бажардик. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида учувчиларимиз 6 миллион гектардан зиёд ерни қайта ишловдан чиқардилар.

Сергели... Бу сўзни бепоён Ватанимизнинг ҳамма бурчакларида, шимол Тюменидан тортиб Помиргача, ҳамма-ҳамма жойда эшитиш мумкин. Чунки бу ерларда авиакорхонамиз экипажлари ишлаяпти. Лекин биз жонажон районимизни унутмаймиз. Масалан, яқинда бизнинг вертолётчиларимиз ёрдами билан иссиқлик электр марказини монтаж қилиш ишлари амалга оширилди.

Бизнинг коллективимиз Г. В. Филатов, С. П. Ужуль, В. С. Козлов, Г. И. Зубанов каби коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда ўнинчи беш йилликда қабул қилган социалистик мажбуриятларини ва планларни муддатидан илгари бажарган бошқа ташаббускорлар билан ҳақли равишда фахрланади. Улардан намуна олган 80 дан ортиқ учувчи беш йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Район партия конференциясида уларнинг номи ўзларининг меҳнаткаш қўллари билан жонажон район, жонажон шаҳри, жонажон республикасининг шарафига шараф қўшаётган бошқа кишиларнинг номлари билан бирга яна бир бор жаранглади.

Н. АЛИМОВ, авиатехник.

Жаҳон Обидова кўчасидаги темир йўл ўтиш йўли, Куйбишев шоссесидаги ўтиш йўли, Аҳмад Дониш кўчасидаги ўтиш йўли— буларнинг ҳаммаси Сергели районида жойлашган бизнинг 13-кўприк отряди қурган йирик иншоотларнинг бир қисмидир, холос.

Бироқ, метронинг «В. И. Ленин номидаги майдони» станцияси қурилиши билан боғлиқ ишларни ўтган беш йилликдаги ўзимизнинг энг фахрли буюртмаларимизд а н бири деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, кўпчилик мазкур станцияда бўлиб, унинг шифт пардозидан ҳайратланган бўлиши мумкин. Албатта, улар буни ганч ўймакорлиги деб ҳисоблагани аниқ. Аслида эса бу темир-бетондан қилинган. Унинг пардози ҳам темир-бетон

ФАХРЛИ БУЮРТМА

ёрдамида амалга оширилган. Бу борада мамлакатимизда мазкур станцияга тенг келадигани йўқ.

Бу ишларнинг ҳаммаси қисқа муддатда, сифатли қилиб бажарилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Ўртоқ Л. И. Брежнев медицина саноати министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажарганликлари билан самимий табриклади.

✦ Ҳар бир беш йиллик Ватанимизни иқтисодий ва социал тараққиётнинг юқори босқичига кўтармоқда, ўнинчи беш йилликда совет кишилари КПСС XXIV ва XXV съездлари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий стратегияни амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, халқ фаровонлигини янада юксалтиришда янги муваффақиятларга эришидилар. — «Янги беш йилликнинг биринчи беш вазифаси» деб номланган «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласида ана шундай дейилади.

✦ **Учишни бошқариш маркази.** Космонавтлар Леонид Кизим, Олег Макаров ва Геннадий Стрекалов «Салют-6» станцияси ичида мўлжалланган профилактик ишлар ва илмий тадқиқотлар программасини бажаришда давом этмоқдалар.

КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚИЗҒИН САЛОМ!

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Бахти кулган қиз

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи «КПСС XXVI съездига— 26 зарбдор ҳафта!» шиори остида фидокорона меҳнат киляпти. Коллектив йил охиригача планга қўшимча 850 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олган. Бу юксак маррани эгаллаш учун курашаётганлар орасида 21 баҳорни қаршилган, чевар қиз Муножат Қодирова ҳам бор.

...Муножат мактабни тугатгач, тикиш-бичиш сирларини билишга жуда қизиқди. Орзу йўлида ҳеч иккиланмай «Малика»га борди. Уни трикотажчилар илиқ қарши олишди. Тажрибали тикувчи-мотористка Раҳима Эргашева Муножатни ўзига шогирд қилиб олди. Бундай улкан ва шоҳқинли цехларга кириб келган Муножат ўзини сирли оламга киргандай ҳис этди. Уни ҳайрон бўлиб турганини кўрган Раҳима опа Муножатни цехлар, цехдаги тикувчи ёшлар ва тажрибали мутахассислар билан таништирди. Муножатнинг бугунги таассуроти зўр эди. Унда ҳавас, иштиёқ янада ортди. Касбга чанқоқ қиз тезда ўз устозидан бичиш-тикиш «сир»ларини—чаққон, тез ва соз ишлашни, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, вақтдан унумли фойдаланишни ўрганди. У тез кунда ўз касбининг устаси бўлиб танила бошлади. Йиллар ўтди...

Мана у ҳозирги кунда жамоат ишида ҳам, меҳнатда ҳам намуна кўрсатиб ишлаяпти. У маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини 140— 150 фоиз қилиб адо этаяпти. Бундан ташқари Муножат тикувчилик бригадаси касаба союз группасининг раҳбари ҳамдир. Албатта, бу унга янада масъулият юклайди. Жумладан, турли қизиқарли тадбирлар уюштиришни ташкил эта билиш, бригада касаба союз мажлисини ўтқазиш, бетоб дугонасининг уйига ҳол-аҳвол сўрагани, ёрдам кўрсатишга боришва ҳоказо ишларнинг уддасидан чиқиш осон эмас?! Бригада қизлари аҳил, иноқ, уларнинг тотувлигини кўриб бошқаларнинг ҳаваси келади. Бу эса Муножатнинг тадбиркорлиги, тиришқоқлиги ва ҳамиша дўстларига ёрдамга шайлигининг самарасидир.

Бу йил «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари унга катта ишонч билдиришиб, уни халқ депутатлари Киров район Советига депутат этиб сайлашди. Бу юксак ишончни, қолаверса, устози Раҳима Эргашеванинг мураббийчилик ишончини оқлаш Муножат Қодирова ўзининг зарбдорона меҳнати билан оқламоқда. Муножатнинг бахти кулган, толеи баланд. Чунки у интилишда, изланишда. Оқ йўл, сенга Муножат!

М. ЗАИНИДДИНОВА, М. МУМИНОВА.

* * *

СУРАТДА: «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари М. Қодирова ўз дастгоҳи ёнида.

А. Серков фотоси.

ФАКТ ВА ШАРҲ

Чекишга қарши малҳам

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биорганик химия институти олимлари чекишга қарши янги препарат кашф этишди. Жамоатчи мухбиримиз С. ҲИДОЯТОВ ана шу малҳам авторларидан бири, институт олими Ҳаким Аслонович АСЛАНОВдан янги дори тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Маълумки, чекувчиларнинг 80 проценти нафас йўллари хасталикларига чалинади. Бу эса бронхит ва ўпка ракига сабабчи бўлади. Эркаклар ўпка раки касаллиги билан аёллардан 8 баробар кўп огрир экан. Стенокардия ва миокард инфаркти касаллиги билан эса 12—13 баробар кўп огрийдилар. Бу касалликларнинг деярли ҳаммаси папирос ва сигарет чекиш оқибатида келиб чиқаётганлиги исботланган. Чекишни яна бир ёмон томони шундаки, кашанда фақат ўзининг саломатлигига путур етказибгина қолмай, балки ён атрофидаги чекмайдиган кишиларга, айниқса ёш болаларнинг соғлом ўсишларига салбий таъсир кўрсатади.

Бас, шундай экан, чекишни ташлаш мумкинми?

Чекишга қарши яратилган янги «Акабазик-гидрохлор и д» препарати ўзининг зарсизлиги, мазасининг ширинлиги ва энг муҳими чекувчиларни бу одатдан қутулишлари учун яхши ёрдам бериши билан ажралиб туради. Биз бу препаратни клиникада синаб кўрдик. Препаратни истеъмол қилган чекувчиларнинг деярли ҳаммаси бу одатдан қутулдилар. Бу препаратни дорихоналардан топиш мумкин. Препаратдан фойдаланган кашандалар, шак-шубҳасиз чекиш одатидан қутиладилар.

• *Депутат минбари*

Бизга ҳам тааллуқли

Менинг олдимда КПСС Марказий Комитетининг «СССРни ижтисодий ва социал ривожлантиришни н г 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида съездига лойиҳаси турибди. Лойиҳадаги:

«Экономикани юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш негизида халқ фаровонлигини янада ўстириш, социалистик турмуш тарзини, ижтимоий муносабатларнинг бутун системасини ривожлантириш таъминлансин», деган сатрларни қайта-қайта ўқийман. Бизнинг совет воқелигимиз, социалистик тузумимизнинг энг асосий ва энг муҳим моҳиятлари ана шу вазифаларда ўз ифодасини топгандир. Бизнинг социалистик тузумимизда ҳар бир меҳнаткаш ўзини ишлаб чиқаришнинг хўжайини, деб билади ҳамда жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис этади.

Корхонамиз меҳнаткашлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, якуловчи йил планини муддатидан ярим ой илгари бажаришга қарор қилдилар. Белгиланган маррага яқинлашганимиз сари, сўзимизнинг устидан чиқишимиз аниқ бўлиб боряпти. Бугунги кунда йиллик планга қўшимча равишда 2 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиш имконига эгамиз. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Бу йил бирлашмамиз тўққизинчи беш йиллигининг сўнгги йилидагига нисбатан 1,5 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу катта ўсиш кўп нарсадан гувоҳлик беради. Аввало кишиларнинг онги ва ишлаб чиқариш ўсганлигидан, тажриба ортирилганлигидан, кишилар касб маҳорати ўсиб бораётганлигидан гувоҳлик беради.

Ҳозир биз маҳсулотларнинг 30 процентини давлат Сифат белгиси билан чиқаряпмиз. 1975 йилда бундай маҳсулотлар 1,3 процентни ташкил этар эди. «Коммунистик меҳнат зарбдори» номини олиш учун мусобақада 60 та бригада қатнашмоқда, уларнинг ярмидан кўпи ана шундай шарафли номга сазовор бўлди.

Меҳнаткашлар ўртасида қўплаб илғорлар бор. 7-цех чевари, беш йилликда ўн бир йиллик планни бажарган Алла Ким, иккинчи беш йиллик маррага эришган бичикчи Галина Закритная, чевар Полина Новосельцева каби ўнлаб илғорлар съездолди мусобақасида пешқадамлик қилишмоқда. Мусобақанинг олдинги маррасида депутатлар бораётганлиги қувончлидир. Масалан, чеварлардан депутатлар С. Аскарова, Р. Гуломова, И. Алимова, созловчи М. Гуломова, бичикчи Н. Михалева, контролёр В. Кузьмина ва бошқалар меҳнатда шахсий намуна кўрсатмоқдалар ва ҳамкасбларини юксак марраларни эгаллашга чорлашмоқда. Мен ҳам шулар қатори ишлаяпман. Халқ депутати бўлиш — шон-шарафгина бўлиб қолмай, шу билан бирга катта масъулият ҳамдир. Аввало, депутатликка кўрсатган ва сайлаган ўзинг меҳнат қилиб турган коллектив олдида масъулиятли бўласан, киши.

Шулар билан бир қаторда, бугунги кунда бизларнинг ҳаммамизни янада юксак, янги марралар кутаётгани тўғрисида ўйлайман. Бизнинг ҳар биримиз сидқидилдан меҳнат қилсак, социалистик Ватанимиз кучқудратини янада мустаҳкамлашда, партия белгилаб берган планларнинг ҳаммасини амалга оширишда ўзимизнинг муайян ҳиссамизни қўшган бўламиз.

М. РУСТАМБЕКОВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехари, Киров район Совети депутати.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ҳикоялар

✦ МЕҲНАТДА КАМОЛ ТОПГАН

Ҳаёт сўқмоқлари оша

Сўқмоқлар... Ҳаёт сўқмоқлари... Инсон ўз тақдирини ана шу ҳаёт сўқмоқларидан ўтиб яратади. Муҳаммаджон шундай ҳаёт сўқмоқларининг тўлқинли гирдобларидан мардона ўтган, меҳнат оташида тобланганлардан. Унинг «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводига ишга келганига мана йигирма йил бўлибди. Йигирма йил!..

У паитларда завод деҳқонларимизнинг мададкори бўлган 60 от кучига эга «Т—28Х4» маркали машиналар ишлаб чиқаришни энгигина ўзлаштираётганди. Шунда у токарга шогирд тушди, пахтакорлар меҳнатини енгил қилишга ўз ҳиссасини қўшиш учун тинмай ўрганди, изланди. Билмаганини кекса уста ишчилардан тортинмай сўраб, билиб борди. Унинг ғайрати, меҳнатсеварлиги, камтарлиги коллективга хуш келди. У устозларининг ҳар бир сўзини ёдда сақлаб қолишга, топширилган ишларни кўнгилдагидек, кўпчиликка манзур бўлардек даражада бажаришга ҳаракат қиларди. Натижаси ёмон бўлмади, севган касби токарликдан, созловчи ва силлиқловчиликдай мураккаб ҳунарларни эгаллаган малакали уста ишчи, ҳаётда ўз йўлини топган меҳри дарё одамга айланди. Партия сафига қабул қилинди. Мастерлик даражасига кўтарилди. Шунгача қанча сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Бу давр мобайнида корхонада бир неча юз деҳқонларимиз н и н г ишини бир ўзи, бажара оладиган неча минглаб, ўн минглаб янгиянги тракторлар ва уларнинг жиҳозлари бу оташқалб ишчи кўз ўнгида йиғилиб ўзлаштирилди.

Муҳамаджон Туробов меҳнат қилаётган бу заводда эндиликда йилига йигирма беш мингдан зиёд «Т — 28Х4» ва «МТЗ — 80» маркали тракторлар ва кўплаб қоп-қанорсиз пахта ташийдиган прицеплар ишлаб чиқарилади. Айниқса, заводнинг бу саксон от кучига эга бўлган «МТЗ—80Х» маркали трактори нафақат Иттифоқимизда г и н а эмас, балки Болгария, Чехословакия, Куба, Польша, Монголия, Афғонистон, Сурия, Жазоир, Ҳиндистон, Шри Ланка, Индонезия каби кўпгина ҳорижий мамлакатларда манзур бўлмоқда. Бунда ҳам ўз касбининг моҳир устаси ҳисобланган тажрибали мастер Муҳаммаджон Туробовнинг салмоқли ҳиссаси бор.

«Инсон қадрини меҳнат оширади», деганларидек, кўп йиллардан буён завод ишчилари, ишончини қозонаётган М. Туробовнинг меҳнатларини партия ва ҳукуматимиз муносиб баҳолади. У Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва қатор медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Шуниндек, Муҳаммаджон Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида қатнашиб, унинг олтин медалини олишга муяссар бўлган. М. Туробов тиқболи йўлида сидқидилдан фидойилик билан тер тўкиб, бир беш йилликда иккибеш йилликни ўринлатиб, ишчи номини шараф билан оқлаётган, эл ҳурмати қозонган инсон.

Ҳозирда завод бағрида ҳаёт сўқмоқларидан мардона ўтиб, машаққатли синовларни ортда қолдирган М. Туробов сингари меҳнат зарбдорлари талайгина. «Коммунистик меҳнат бригадаси» номли 7-токарлик цехининг К. Эгамбердиев, С. Бабичкова, Т. Султонов, К. Денишев, Т. Боймуродов ва бошқа азамат ишчилари шу коллектив партиямизнинг бўлажак XXVI съездини меҳнатда янада улкан ютуқлар билан кутиб олиш ишқида ёнмоқдалар. Улар шу орзу-истакларда давлат ойлик, квартал план-топшириқларини 120 —130 процентдан оширибадо этмоқдалар. Ишчилар сардори, коммунист Муҳаммаджоннинг ўзи юксак довонлар оша 1983 йил ҳисобига меҳнатда пешқадамлик қилмоқда.

Ҳ. ЗАИНИДДИНОВ.

• *Транспорт ташвишлари*

ҚАЧОНГАЧА КУТАМИЗ?

Юнусобод массивида жуда кўплаб янги турар жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Натижада аҳоли сони кундан-кунга ортиб бораётир. Лекин массивга қатнаётган транспортлар аҳолига ёмон хизмат кўрсатаётир. Массивдаги А—1, А—4, Б—1, В—2 кварталлари аҳолисининг кўпчилиги 25, 28, 29-трамвай хизматидан фойдаланишади. Сўнгги вақтларда бу трамвайларнинг йўловчиларга ёмон хизмат кўрсатаётганлиги массив аҳолисини ранжитмоқда. Бу ҳол айниқса ишдан қайтаётган вақтларда авжга чиқади. Чунки эрталаб маршрутга қўйилган вагонлар кечга бориб турли сабаблар билан камайиб кетаётир. Буни қуйидаги фактлардан ҳам яққол кўриш мумкин. 24 ноябрда 25-трамвайни Марказий универсал магазини бекатида 50 минут кутишга тўғри келди. Ниҳоят, 19.10 минут ўтганда 1162 номерли вагон келиб тўхтади. Эртаси куни ана шу маршрутдаги трамвайни яна бир соат кутдик. Соат 18.10 минут ўтганда бу маршрутда қатнаётган трамвай кетидан роппа-роса 19.05 минут ўтганда иккинчи 1143 рақамли вагон келди. Аммо бу трамвай ҳайдовчиси иш вақти тугаганлигини эълон қилиб, йўловчиларни ранжитди. Ундан кейин роппа-роса 55 минут ўтгандан кейин 1223 рақамли вагон келиб тўхтади.

Шу куни 21.30 минут ўтганда Юнусободдаги диспетчерлик пунктига бориб вагонларнинг кечикиши сабабларини сўрадик. Диспетчер Ф. Ўрозбоева 25-маршрутдаги трамвайдан бугун 10 таси аҳоли хизматига чиқарилиши кераклигини, соат 18 гача бу маршрутдаги вагондан бешта қолганлигини, соат 18.00 дан кейин учтага тушиб қолганлигини айтди.

24 ноябрда 28-маршрутдаги трамвайдан 13 та чиқарилиши керак эди. Бу маршрутга ҳам олтита вагон қўйилган. Соат 18.00 дан кейин бу вагонлар бештага тушиб қолган.

Трамвай-троллейбус бошқармаси раҳбарларига бир ўринли саволимиз бор. Юнусобод массивига қатнайдиган бу маршрутдаги трамвайларнинг графика мунтазам риоя қилиб қатнаши қачон йўлга қўйилади? Ишдан чарчаб келаётган йўловчилар қачон уйларига ўз вақтида етиб боришади?

М. МАВЛОНОВА.

ГАЗЕТХОНЛАР МАМНУН

Олтмиш саккиз баҳорни кўрган Абдулла ака Қосимов ҳам Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ Ленинград шаҳрини ёвуз душмандан ҳимоя қилганлар сафида бўлди.

Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган галабадан сўнг кўксини безаб турган «Жанговар хизматлари учун», «Касорати учун», «Ленинград ҳимоясида қатнашганлиги учун» медаллари билан она юрти—Тошкентга қайтди.

Пенсияга чиққунига қадар ишчи бўлиб хизмат қилган Абдулла ака, мана, уч йилдирки, Собир Раҳимов район «Союзпечать» агентлигига қарашли 385-киоскада ишлаб, мижозларини ҳушмуд этиб келмоқда.

Ҳар ой 3500—3800 сўмлик газета ва журналлар у орқали газетхонларга етиб боради. Абдулла ака бундан ташқари, 1981 йил учун газета ва журналларга ёзилган уч юздан ортиқ киши учун обуна варақалари тарқатиш ишига ҳам яқиндан кўмаклашди.

Т. НАЖМИЙ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Куйбишев район меҳнаткашлари шаҳримизда ўтказилаётган кўчат ўтқазиш ойлигида уюшқоқлик билан иштирок этишмоқда. Бу сафарги ойликда район территориясидаги ҳалқа йўлини янада обод қилиш учун бу ерда кўплаб янги хиёбонлар барпо қилинади ва кўчат ўтқазилади.

Шу кунгача районда беш маротаба шанбалик бўлиб ўтди. Бунда «Средазкабель» заводи, 8-автобаза коллективи намунали иштирок этиб, бошқа корхона ва ташкилотларга намуна бўлишмоқда. Бугунгача район меҳнаткашлари 64 минг кўчат ўтқазиб бўлишди.

Ф. РАҲИМОВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ҚИШКИ КЎЙЛАКЛАР НЕГА ЙЎҚ?

Ҳар бир мавсумнинг ўзига мос кийими бўлади. Бундан бош-олти йил муқадам шаҳримиздаги магазинларда кўк, қора сатиндан ва кўк, қора, сариқ жундан тикилган эркак ва хотин-қизлар кўйлаклари жуда кўп бўлар эди. Сўнгги йилларда бундай қишки кўйлаклар шаҳримиз магазинларида мутлақо кўринмай қолди.

Ўзбекистон Енгил саноат ва маҳаллий саноат министрликлари аҳолига энг керакли бўлган қишки кўйлакларни ҳамда ип ва жун пайпоқларини кўплаб ишлаб чиқаришса, жуда кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг кўнглидаги ишни қилган бўлар эдилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

УСТИ ЯЛТИРОҚ

Чилонзор районидаги 26-ҳаммом ташқи томонининг чиройли кўринишига қараб ичкарига ювиниш учун асло кира кўрманг. Кирсангиз асабингиз бузилиб, дилингиз хира бўлиб чиқади.

Афсус ва яна минг бор афсуски агар ҳаммомга тушгудек бўлсангиз, кийимингизни хоналарга ажратилган ўриндикларга ечиб қўясиз. Бу ерда бошқа ҳаммомдагига ўхшаш алоҳида шкафлар йўқ. Умуман айтганда, 26-ҳаммом аҳоли талабига мутлақо жавоб бермайди. Ҳаммомдаги камчиликлар қачон бартараф этилади?

Р. УМУРЗОҚОВ,
пенсионер.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЗИЁКОР

Дилором Шотурсунова Собир Раҳимов районидаги 395-киоскада 1970 йилдан бери ишлаб келяпти. У ўзининг ширинсуханлиги, хушмуомалалиги билан газетхон ва журналхонларнинг эътиборини қозонди. «Коммунистик меҳнат зарбдори» бўлган бу аёл кўп йиллардан бери ойлик, квартал планларини муддатидан илгари ошириб адо этиб келади.

Дилором опа эрта тонгда киоскаси ён-атрофларини супуриб-сидиради. Киоскадаги газета ва журналларни тартибга келтиради.

Сентябрь ойи планини Дилором опа 102 процент қилиб адо этди. Пландаги 4800 сўмлик ўрнига 4900 сўмлик савдо қилди. У октябрь ойи планини ҳам муддатидан илгари ошириб бажарди. Пландаги 4800 сўмлик ўрнига 5400 сўмлик газета ва журналларни савдо қилди.

Элга нур, зиё улашувчи бу аёл ҳамиша ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Инсон учун элга хизмат қилишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

—Автобус келгунча уйга етиб оламан.

РАССОМ ШАРҲЛАРИ

48-маршрутда қатнайдиган автобуслар кўпинча ҳаракат интервалига риоя қилмайди. Йўловчилар уни бекатларда узоқ кутиб қолишмоқда. Бу ҳол қачонгача давом этади?

(Редакцияга келган хатлардан).

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Л. АБДУЛЛАЕВ чизган сурат.

Қорасувни қора қилманг

Куз келиши билан дарё ва каналларнинг сувлари тиниқлашиб, игна ташласангиз кўринади. Шаҳримизнинг шарқий томонидан Куйбишев районига кириб келувчи Қорасув ҳам шундай. Зилол сувли канал.

Афсуски, шу кунларда каналга ахлат ташлаб, тиниқ сувни лойқаматишяпти. Буни ўз кўзи билан кўришни истаган киши Куйбишев районидаги 13-поликлиника ёнига келсин. Қорасув поликлиника ҳовлиси этагидан оқиб ўтади. Канал узра темир кўприк қўйилган. Кўприклар аслида одамлар ўтиши учун қурилишини ҳамма билади. Бироқ, бу ердаги бечора кўприк яна бир вазифани, яъни ахлатхона вазифасини ҳам ўтаяпти. Ҳозир, кўприк устида бўш жой қолмади. Эндиликда трактор заводининг ўйларида истиқомат қилувчи аҳоли ахлатни тўғридан тўғри Қорасувга ташлаяпти. Бунга Луначарский шоссесининг жанубий томонидаги янги микрорайон аҳолиси ва 13-болалар поликлиникаси ходимлари ҳам «ҳисса» қўшишяпти.

Тошкент трактор заводининг уй-жой хўжалиги бўлими ўзига тегишли территорияда қачон тартиб ўрнатаркин? Куйбишев райони санитария-эпидемиология станцияси ходимлари Қорасув соҳилларига қачон қиё боқишаркин? Улар бу ердаги аҳволни бир келиб кўриб, айбдорларга «Қорасувни қора қилманг» деб қўйишса яхши бўларди.

Н. ҚОДИРОВ.



Шаҳримиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтаради. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда сиз Максим Горький проспектининг бугунги қиёфасини кўриб турибсиз.

Қ. Исоқов фотоси.

Муҳаббат опанинг чақалоғи касал бўлиб қолди. У кичкинтойини кўтариб қўшни кампирникига югурди. Кампир чақалоқни кўриб, дарров «диагноз» қўйди:

— Болангизга эски сут эмизибсиз. Иккинчи бунақа қилманг. Ёш бола гулдек гап. Бир оғриб қолса, тузалиши қийин бўлади.

Шу гапнинг устига уч ҳовли нарида турадиган келинчак Раънохон ҳам чиқиб қолди.

—Вой, менинг қизчам ҳам икки кундан буён қайт қиляпти.

Кампир ўзининг тажрибасидан келиб чиқиб насиҳат қилди:

— Ёш болага ҳар нарса бераверіш керак эмас. Фақат она сутини эмиши керак.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

5 ДЕКАБРЬ, 1980 й.

ҲАМКУЛАСИЗ, КУЯСИЗ

Гўдаклар ранжимасин

— Сутимиз етмасачи?

— Ҳозирги ёшларга ҳайронсан. —Кампирнинг жаҳли чиқиб кетди. Илгари ўнта болани бемалол боқардик. Ҳозир битта болани боқишга сути етмайди, буларнинг.

Эҳтимол кампир ўзича ҳақдир. Бироқ, модомики, оналар учун шароит яратилган экан, давлатимиз кичкинтойларга махсус сут тарқатадиган пунктлар очиб қўйган экан, бу имкониятдан фойдаланиш ёмон эмас. Фақат ўша пунктнинг маҳсулоти ёмон бўлса, унда ёш оналар ҳазилакам ташвиш чекмайди.

Акмал Икромов район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли Зиё Саид кўчасида жойлашган 16-поликлиниканинг гўдакларга сут тарқатадиган махсус пункти бор. Қоида бўйича ҳар куни эрталаб соат 9 да пунктга биркитилган оналарга гўдаклар учун сут тарқатилиши керак. Бу ерда қаторлашиб турган аёлларни кўрасиз. Улар сутни эрталаб эмас, қоқ пешинда олишади. Натижада, сутнинг сифати бузилади. Оналар бу ҳақда пунктнинг ҳамшираси Нусратхон Мирраҳимовага шикоят қилишибди.

— Мен нима қилай, — деди ҳамшира куйинчаклик билан. — Кухнядан ўз вақтида олиб келишмаганидан кейин қандай қилиб тарқатаман?!

Маълум бўлишича, бу пунктга райондаги 1-кухня маҳсулот етказиб бериши керак. Пункт ходимлари ўша ерга бир неча марта бориб, оналарнинг шикоятини айтишди.

—Транспорт бўлмаганидан кейин қўлимизда кўтариб борамизми? — дейишди пунктдагилар тажанглик билан. — Бизга ҳам шароит яратиб беришсин-да.

Хуллас, у бўлди, бу бўлди, икки ўртада гўдаклар қийнлиб қолди. «Алдагани бола яхши» деган нақл бу ўринда тўғри келмас экан. Боланинг ҳам эс-ҳушлисини алдаш керак экан. Гўдаклар эса бундай алдовга чидолмай, оғриб қолишяпти.

«Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари, райондаги пунктларга гўдаклар учун сут тарқатадиган 1-кухнянинг боқибоғам ходимлари шу аҳволда ишлашадиган бўлса, аҳвол чатоқ бўлади» деб ёзишибди Мардлик кўчасида истиқомат қилувчи Р. Носирова, Ҳондамир кўча 1-проездда истиқомат қилувчи Акромова. Садоқат кўчасида истиқомат қилувчи Искандаров ва бошқалар. Бир эмас, ўн бир оила аъзолари нимзо чекиан бу шикоятга район соғлиқни сақлаш ходимлари жиддий эътибор беришса, 1-кухня устидан, у ерда тайёрланаётган маҳсулот, автотранспорт таъминоти устидан керакли назорат ўрнатишса, яхши бўлар эди.

ҲУШЕРБЕК.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ТАНГЛАЙ МУРТАГИ ЯЛЛИҒЛАНГАНДА

Ҳурматли редакция! Ўғлимизнинг томоғи қаттиқ оғриб қолди. Врачга кўрсатган эдик, тонзиллит бўлибди, дейишди. Бу қандай касаллик, унинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак, шу ҳақда маълумот берсангиз.
Ш. ИКРОМОВА, уй бекаси.

Одатда томоқ оғриқлари ҳар хил бўлади. Танглай муртагининг яллиғланиши медицинада тонзиллит дейилади. Касалликни даволашда беморнинг умумий ҳолатига ва тонзиллитнинг сурункали турига алоҳида аҳамият бериш керак.

Сурункали тонзиллитнинг беморда қандай кечиши аниқ билиб олинса, даво қилишнинг энг яхши усулини қўллаш шунча осон бўлади. Одатда тонзиллоген асоратлар жуда кеч, самарали даво қилиб бўлмайдиган вақтда аниқланади. Чунки бемор ўз хасталиги ҳақида шифокорга жуда кеч, касаллик сурункали турга ўтиб кетгандан кейингина мурожаат қилган бўлади.

Беморни даволашда унда тонзиллит касаллиги қандай кечганлигини сўраб-суриштириб, аниқ маълумот олиш керак. Бемор ангина билан тез-тез оғриб турганми, бундай ҳолларда ҳарорат юқори бўладими-йўқми — ана шунга ўхшашларни билиб олиш керак. Шуни ҳам айтиш кераккки, сурункали тонзиллит белгилари бўлган айрим беморлар ангина билан ҳеч оғримаган бўлади, бу эса шифокорни ҳам беморни ҳам янглиштиради, чунки ангина бўлмаганми, демак, беморда сурункали тонзиллит ҳам йўқ деган хулосага олиб келади.

Кўпчилик беморлар умумий беҳоллиқ, тез чарчаш, кўп терлаш, иштаҳа йўқлиги, ҳароратнинг жуда юқори бўлиши, юрак ва томирлар соҳасида оғриқ сезиш каби ноxушликлардан шикоят қиладилар. Бу умумий шикоятлар тонзиллит натижасида организмга ташқаридан кирган ёки ўзида ҳосил бўлган заҳарлар билан заҳарланиши (интоксикация) билан боғлиқдир.

Профессор И. Б. Солдатов сурункали тонзиллитни икки турга бўлади: биринчиси компенсированний, иккинчиси декомпенсированний. Сурункали тонзиллитнинг биринчи турини дори-дармонлар бериш йўли билан даволанади. Бунда томоқни 0,1 процентли калий перманганат суюқлиги билан икки-уч марта чайиш ёки фурацилиннинг 0,02 процент сувдаги эритмаси билан чайиш тавсия этилади. Бу эритмалар микробларнинг ўсиши ва кўпайишига йўл қўймайди.

Ҳозирги пайтда муртак лакуналарини турли дезинфекцияловчи воситалар: риванол, фурациллин эритмаси ёки антибиотиклар (пенициллин, стрептомицин) билан махсус шприц ёрдамида ювиш методи кенг қўлланилади. Бу эритмалар антимикроб ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Физиотерапевтик даволаш методларида (УВЧ) пастки жағ атрофига, оғиз орқали ультрабинафша нурланиш қўлланилади.

Кейинги йилларда бизнинг клиникамизда электромагнит майдони билан даволаш кенг жорий этилмоқда. Рационал даволаш натижа бермаган ҳолларда ва касалнинг сурункали турида хирургик даво йўли билан даволанади, яъни муртаклар олиб ташланади.

Умуман, хроник тонзиллит ўткир яллиғланишдан келиб чиқадиган хасталик эканини пухта билиб олиш керак. Ўткир яллиғланишдан (ангинадан) сақланиш учун организмни йил фаслларига қараб совуқ ва иссиққа чиниқтириш, терлаб туриб совуқ, айниқса, холодильникда турган муздек сувни ичмаслик лозим. Ҳаво совуқ кунларда чўмилгач шамоллаб қолмасликка, иссиқ, ихчам ва қулай кийинишга аҳамият бериш айни муддао бўлади.

Шуни унутмаслик кераккки, ҳар қандай касаллик шамоллашдан бошланади. Уйда терлаб туриб бирдан кўчага совуқ ҳавога чиқмаслик ҳам керак. Энг муҳими, шамолламаслик учун чиниқиш, совуқ ва иссиқ ҳавога ўрганиш, кўникиш керак. Чиниққан танга дард юқмас, деган гапда кўп ҳикмат бор.

К. ЖАББОРОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институтининг қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари кафедраси ассистенти, медицина фанлари кандидати.

Чилонзор районидаги 16-поликлиника тиббий хизматчилари беморларга намунали медицина ёрдами кўрсатиб келишяпти. Юқоридаги суратда шу поликлиниканинг бош врачи Я. Р. Файзуллаев бир группа медицина хизматчилари билан суҳбат ўтказяпти. Унгдаги суратда эса физиотерапия бўлимининг врачи М. Ғ. Зиёвуддинова навбатдаги беморнинг қон босимини ўлчаб кўрмоқда.

Н. Шоиноғомов фотолари.

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

● СЎРАГАН ЭҚАНСИЗ...

А. САЛИМОВ: Буйрак хасталигига чалинганлар ўзларини қайси соҳадаги врачларга кўрсатишлари мумкин?

Бу саволга медицина фанлари кандидати Файзи Турсунов қуйидагича жавоб беради:

— Бундай беморлар ўзларини уролог ва нефролог каби врачларга кўрсатиб, фойдали маслаҳат олишлари мумкин. Мутахассислар беморларни касалхона шароитида замонавий медицина техникаси воситасида хасталикларини тўғри аниқлаб, яхши даволайдилар. Бундай мутахассислар Тошкент Давлат медицина институтининг кафедра ва клиникаларида бор.

⁂

У. МАВЛОНОВА: Агар одамнинг юраги санчиб, нафаси сиқиб ва боши тез-тез оғрийдиган бўлса, қайси шифохонада даволаниши мумкин?

Жавоб: Бундай беморлар ўзларини энг аввал невропатолог, кардиолог ва аллерголог каби мутахассисларга кўрсатишлари лозим. Шунингдек, касб-ҳунарга оид баъзи хасталиклар Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти клиникасида ҳам илмий жиҳатдан ўрганилади ва даволанади. Мазкур институт Циолковский кўчасидаги 326-уйга жойлашган бўлиб, у ерга 16-автобусда борилади.

* * *

Г. ЮСУПОВА: Косметолог врачлар қандай касалликни даволайди? Бу касбни эгаллаш учун қайси ўқув юртига кириб ўқиш керак?

Жавоб: Республика косметика шифохонасидан маълум қилишларича, бу соҳадаги мутахассислар сепкил, доғ, сўгал ва ҳуснбузар каби хасталикларни даволайдилар. Бу касбни эгаллаш учун эса аввал олий маълумотли врач бўлиш, сўнгра маълум институт ёки ихтисослашган малака ошириш курсларида қайта ўқиш лозим.

⁂

М. ҲУСАНОВА, Б. ЭГАМОВ: Баъзи бир ёшларнинг юзига доғ тушса, вақтида соқол-мўйлов чиқмаса, нима сабаб бўлади? Бу ҳолда қайси соҳадаги врачларга учрашиш лозим?

Бу саволга медицина фанлари кандидати Саид Шоназарович Соипов қуйидагича жавоб беради:

— Ёшлар юзига доғ тушиши, соч тўкилиши ва эрта оқариши, шу жумладан соқол-мўйловларнинг эрта чиқиши ёки муддатида чиқмаслиги организмнинг умумий касаллиги ҳисобланади. Шунинг учун улар ўз вақтида дерматолог, эндокринолог, невропатолог каби мутахассисларга кўрсатиб, фойдали маслаҳат олишлари лозим.

⁂

М. ЭШНИЕЗОВ: Шаҳримизда гапиришга қийналадиган болаларни даволайдиган шифохона борми?

Медицина фанлари доктори, профессор Шаҳзода Асқарович Муртолибов бу саволга қуйидагича жавоб беради:

— Бундай болаларни область ва шаҳарларда ташкил этилган руҳий-асаб касалликлари диспансери мутахассисларига кўрсатиб, аниқ жавоб олиш мумкин. Шаҳримизнинг Куйбишев район Гончаров кўчасида эса ихтисослашган республика болалар руҳий-асаб касалликлари диспансери мавжуд бўлиб, унинг қошида шифохона ва поликлиника очилган. Бу ердаги тажрибали шифокорлардан ҳам фойдали маслаҳат олишингиз мумкин.

Жавобларни **Ю. АҲРОРОВ** ва **Т. РАСУЛЕВ**лар ёзиб олишди.

▲ ИЛТИМОСИНГИЗГА БИНОАН

КОСМЕТИК НУҚСОНЛАР БЎЛСА...

«Тошкент оқшоми» газета редакциясига келаётган хатларда оқшомхонлар болаларнинг териси ва сочида учрайдиган косметик нуқсонларнинг сабаби, уларни даволаш усуллари ҳақида маълумот беришимизни сўрашган. Қуйида уларнинг илтимосига биноан ана шундай косметик нуқсонларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларнинг давоси ҳақида баъзи маслаҳатларни берамиз.

Болаларнинг териси ва сочида уларнинг қиёфасини ўзгартириб юборадиган камчиликлар — косметик нуқсонлар бўлиши мумкин. Улар туғма бўлади ёки кейин пайдо бўлади. Туғма нуқсонлар орасида нор алоҳида ўрин тутади.

◆ **Нор кўпинча юз, бўйин ва бошда бўлиб, бола ўсган сари у ҳам катталашиши мумкин.** Нор икки хил—қон томирларидан ва пигментдан иборат бўлиши мумкин. Қон томирларидан иборат нор (ангиома) оч пушти ранг ёки қизил, баъзан эса тўқ қизил бўлади. Норнинг сиртидаги тери жуда нозик ва юпқалигидан салга жароҳатланади ҳамда қаттиқ қонайди.

Қизил нордан ташқари қўнғир-жигар ранг ва ҳатто қора норлар ҳам учрайди. Уларнинг ранги терининг шу қисмида пигмент миқдорига боғлиқ. Норнинг сиртини кўпинча тук босган бўлади. Баъзан нор анча бўртиб, теридан кўтарилиб туради, сирти ғадир-будур, бўртиқли бўлиб, ҳайвонларнинг дағал терисини эслатади. Пигментдан иборат нор қизил ранг нордан кичикроқ бўлади. Унинг тукини олиш, мучанакда олиш ёки қириш асло мумкин эмас, чунки тук баттар ўсиб кўпаяди, қалинлашади ва дағаллашади.

◆ **Ниҳоят, терида ҳоллар учрайди. Ҳол анча юмшоқ, пушти ранг ёки сарғ ранг бўлиб, тариқдайидан тортиб, то олхўридайингача учрайди, ясси ёки ғадир-будур, баъзан тағи ботиқ бўлади.**

Нор ва ҳолларни дори-дармон қилиб йўқотишни иложи борича барвақт бошлаш керак. Терида нор ва ҳоллар қанчалик кам бўлса, улардан шунчалик тез қутулиш мумкин. Улар йўқолиб кетгандан кейин ҳам ўрни билиниб, соғлом теридан салгина фарқ қилиб туради. Нор ва ҳолларнинг дори-дармон ишлатилмайдиган турлари ҳам бор.

Нор ва ҳоллар карбонат қори, суюқ азот, электрокоагуляция, Букки нурлари билан куйдириб, шунингдек тарашлаб йўқотилади. Қон томирларидан иборат норни эса хинин-уретан билан муваффақиятли даволаш мумкин. Бу усул янги туғилган чақалоқлар учун ҳам тавсия этилади.

Терида кейинчалик пайдо бўладиган косметик нуқсонлар мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларнинг ёмон одатлари ва терини яхши парвариш қилмаслик натижасида келиб чиқади. Шунинг учун болалик чоғидаги косметика асосан болаларда гигиеник малака ҳосил қилишдан иборат бўлади.

Лабларнинг ёрилиб, пўст ташлаши, оғиз четлари ёрилиб яра бўлиши, буруннинг, қовоқларнинг қизариши, соч тўкилиши, сўгал, юқумли маллюска, ҳашарот чақишидан қолган доғ, оёқ терлаши пайдо бўладиган косметик нуқсонларга киради.

◆ **Лабларнинг ёрилиб, пўст ташлашига одатда лабни ҳадеб ялайвериш сабаб бўлади.** Тушунтириш, панд-насиҳат йўли билан боланинг бу ёмон одатини ташлатиш керак. Бу чора кор қилмаган тақдирда боланинг лабларига бирон аччиқ нарса (алоэ ўсимлигининг шираси, хинин, эрман шираси) суртишга тўғри келади. Лаб ёрилганда, кечаси юпқа қилиб асал суртиш яхши фойда беради. Кун совуқ пайтларида болани кўчага чиқариш олдидан лабларига борний вазелин ёки бошқа хил мой суртиш тавсия этилади.

◆ **Буруннинг кўкимтир-қизил бўлиши, қўлга совуқ униаб устида майда-майда тер томчилари пайдо бўлиши.** Узоқ давом этган касаллик ёки юқумли касалликдан кейин озиб, организми заифлашиб қолган болаларда, кўпроқ ўғил болаларда шундай бўлади. Бундай болаларни даволаш ва яхши овқатлар, хусусан С витаминига ва В группасидаги витаминларга бой овқатлар бериб организмни мустаҳкамлаш керак. Организмни умумий даволаш билан бир қаторда бурунни атир, спирт билан артиш ва бот-бот упа қўйиш керак. Буруннинг қизариши ҳеч қандай дори-дармон қилинмаса ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетиши мумкин.

◆ **Оғиз бурчакларининг бичилишига меъда-ичак касалликлари, организмда В2 витамини етишмаслиги, шунингдек озода ва тоза юрмаслик сабаб бўлади.** Болаларни оғзини қўли ёки енги билан эмас, балки тоза рўмолча билан артишга одатлантириш лозим. Кечқурун ўрнига ётишда оғиз бурчакларини чой содаси ёки танакорнинг илиқ эритмасида (бир стакан илиқ сувга бир чой қошиқ сода танакор қўшилади) ҳўлланган пахта билан артиш ва бичилган жойига (чақага) бирор ёғли крем ёки танакор қўшилган ёғли крем (ярим чой қошиқ танакор бир ош қошиқ кремда қорилади) суртиш тавсия этилади.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ШОНЛИ ФАРЗАНД ХОТИРАСИГА

БУГУН

Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор Собир Раҳимовнинг ҳажми 7 метр келадиган ҳайкалини қуйиш ишлари бошлаб юборилди. Қаҳрамоннинг мазкур ёдгорлигини яратиш ишларига архитектор Л. Адамов билан ҳайкалтарош А. Раҳматуллаевлар раҳбарлик қилишмоқда.

— Улуғ Ватан уруши давридаги бир қанча оғир жангларда саркардалик қилиб, немис-фашист босқинчиларини Ватанимиз территориясидан улоқтириб ташлашда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган генерал-майор С. Раҳимовнинг образи,—дейди комбинат шартномалар бўлимининг бошлиғи Ю. Агапов,— кўпдан бери ижодий коллективимиз диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Тез орада бу ёдгорлик Собир Раҳимов район партия комитети биносининг майдонига ўрнатилади. Бу — комбинатимизнинг халқнинг яна бир шонли фарзанди хотирасини абадийлаштириш ишига қўшган ҳиссаси бўлади.

САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ОҒЗАКИ ЖУРНАЛ

Республика Актёрлар уйида «Ёшлар-ёшларга» оғзаки журнали ўзининг бу йилги фаолиятини бошлади. Унинг кечагина бўлиб ўтган сони КПССнинг бўлажак XXVI съездига бағишланди.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети филология факультетининг студентлари ана шу журналнинг тингловчилари бўлдилар ва республиканинг кўзга кўринаётган ёш ижодкорлари билан учрашдилар.

Ўзбекистон радиоси музикали эшиттиришлар редакциясининг редактори М. Муҳамедова ёшлар учун тайёрланаётган музика эшиттиришлари ҳақида, республика қўғирчоқ театрининг актёри С. Мейдер коллективда улғайиб бораётган ёш артистлар ҳақида гапириб берди. Республика ёзувчилари союзи аъзоси, шоир Усмон Азимов ўзининг шеърларидан ўқиб, поэзия мухлисларини мамнун этди.

Бу журналнинг саҳифалари ранг-баранг тузилганки, тингловчилар унда санъатнинг барча турлари билан танишиш шарафига муяссар бўладилар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг бадиий раҳбари, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қ. Мўминов ва ансамбль санъаткорлари жозибали концерт беришди.

Бундан ташқари Тошкент зонал экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг архитектори О. Зайниддинов, Тошкент Давлат консерваторияси студенти М. Ҳайдарова, юрист У. Иномжонов ўзларининг олиб бораётган ишлари билан тенгдошларини таништирдилар.

Журнал саҳифалари ижодкор ёшларимизнинг шу кунлардаги фаолияти жонли ва қизғин ўтаётганлигидан далолат беради.

СЪЕЗДГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Киров районидаги Абдулла Қодирий номли маданият уйида «Зарбдор меҳнатимиз сенга, партия» шиори остида «Ўзбексельмаш» заводи ишчиларининг санъаткорлар билан учрашув—кечаси ўтказилди.

Маданият уйида бу каби учрашувлар, маданий тадбирлар тез-тез бўлиб туради. Мазкур кечада ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари, Фирдавсий ҳамда Обод маҳаллаларида истиқомат қилаётган кекса коммунистлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари иштирок этишди. Сўзга чиққан район «Билим» жамиятининг лекторлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бугунги иқтисодий сиёсати тўғрисида гапирдилар.

Кеча сўнгида А. Қодирий ва Ҳ. Олимжон номли маданият уйлари санъат коллективларининг биргаликда тайёрлаган катта концерт программасини бу ерда йиғилганлар мароқ билан томоша қилишди.

УНИВЕРСИТЕТ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимиздаги бир қатор театрларнинг ижодий коллективлари партиямизнинг XXVI съезди ва республика Компартиясининг XX съездига бағишлаб янги-янги саҳна асарлари яратилиши устида қизғин ишга киришдилар.

Горький номли рус давлат академик драма театрида Юрий Бондаревнинг «Қирғоқ» романи асосида саҳна асарининг инсценировкаси тайёрланди. Томошабинлар бу асарни жуда қизиқиш билан кутиб олдилар. Шунингдек, Навоий номли Ўзбекистон Давлат катта опера ва балет театрида ҳам «Оптимистик трагедия» операси намойиш этилди.

Республика Актёрлар уйида ўз ишини бошлаган театр маданияти университетининг дастлабки машғулоти пойтахт театрларининг партия съездларига бағишлаб тайёрлаётган саҳна асарларига бағишланди. Машғулотни республика театр жамияти ижодий бўлимининг консультанти Юрий Александров олиб борди.

Машғулотлари икки йилга мўлжалланган бу университетнинг тингловчилари 4-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиларидир. Тингловчилар машғулот охирида «Большой театр кеча, бугун, эртага» деган рангли ҳужжатли фильмни томоша қилдилар.

ПИОНЕРЛАР САРОЙИДА СЕМИНАР

Н. К. Крупская номидаги Пионерлар саройида республика районлари комсомол комитетлари секретарлари ҳамда шаҳар мактаблари пионервожатийларининг қўшма семинари ўтказилди. Семинарда республикамиз областлари ва районларидан келган 20 га яқин комсомол секретари ҳамда шаҳримиз мактабларининг 30 дан ортиқ пионервожатийси иштирок этди.

Семинар ишида райондаги комсомол-ёшлар бригадаларининг КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш ҳамда комсомол ташкилотларининг бу ташаббусга раҳбарлик қилиш борасидаги қатор масалалар муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан вожатийлар эса шаҳримиз мактабларидаги пионерлар фаолияти ҳақида муфассал гапириб ўтдилар ҳамда пионерларнинг съездолди режалари, амалга оширилаётган ишлари хусусида фикр билдирдилар.

Ҳаваскор рассом Василий Малишев кейинги йилларда ўз асарлари билан санъат иҳлосмандлари эътиборини қозонди. У оригинал усулларда яратган К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин портретлари мутахассисларнинг ҳам юксак баҳосига сазовор бўлди. Доҳий портрети эса В. И. Ленин марказий Музейининг Тошкент филиалида намойишга қўйилди.

СУРАТДА: В. Малишев ўзи яратган К. Маркс ва В. И. Ленин портретлари ёнида.

Р. Заградинов фотоси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ПУЛАТОВ: Совет спортчиларидан ким биринчи марта жаҳон чемпиони бўлган?

Жавоб: 1934 йилнинг 27 май куни совет спорти солномасига олтин ҳарфлар билан битилган. Шу куни москвалик коммунист Николай Шатров Швейцариянинг енгил вазнли штангачиси Эшманни енгиб, жаҳон рекорди ўрнатди. У ўн беш йилгача чемпион унвонини шараф билан ҳимоя қилган.

⁂

А. САЙДАЛИЕВ: Укам узоқ вақт бетоб бўлиб ишга бормади. Маъмурият эса уни ишдан бўшатиб юборибди. Шу тўғрими?

Жавоб: Агар укангиз тўрт ойдан зиёд бетоб бўлиб, ишга боролмаган бўлса, бунинг устига унинг ишга яроқсизлиги ҳақида врач кўрсатмаси бўлмаса, маъмурият уни ишдан бўшатиб, меҳнат қонунига мувофиқ йўл тутган.

⁂

Б. ФАРИДОВА: Эмизикли болам бор. Ёнимиздаги фабрикада кечки сменага ишга кирмоқчи бўлсам, маъмурият раҳбарлари унамаяпти. Аниқ сабабини айтиб беролмайсизми?

Жавоб: Маъмуриятнинг меҳнат қонунларини бузишга ҳаққи йўқ. Меҳнат қонунида эса эмизикли боласи бўлган аёлни кечки сменага қўймаслик кўзда тутилган. Бу қоида инвалид ва 18 ёшга тўлмаган ўсмирларга ҳам тўла таалуқлидир.

• • •

К. САИДАКБАРОВ: Мен балоғат ёшига етганман. Аммо алоқа узелида ишлайман. Айтингчи, меҳнат отпускаси бизга қай тартибда берилади?

Жавоб: Сизга узайтирилган меҳнат отпускаси берилади, яъни тўла бир ой дам олиш ҳуқуқига эгасиз. Бундан ташқари, ишга кирган вақтингизга 11 ой тўлмаган бўлса ҳам отпуска олишга ҳақлисиз.

• • •

Л. АКМАЛОВ: Олимпиада стадионида кимлар шарафига биринчи марта СССР гимни ижро этилган?

Жавоб: XV Олимпиадада диск иргитувчилар Нина Ромашкова-Пономарёва, Елизавета Багрянцева ва Нина Думбадзелар фахрли учта шоҳсупага чиқишган, улар шарафига совет гимни янграган эди. Шундай қилиб, биринчи совет Олимпиада чемпиони Нина Ромашкова-Пономарёвадир.

1960 йилда Римда у яна олтин медалга сазовор бўлган эди. Токио Олимпиадасидан кейин мамлакатимизнинг кўп марта чемпиони бўлган, жаҳон ва Европа чемпиони, тўртта Олимпиада қатнашчиси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденларининг кавалери, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Нина Ромашкова-Пономарёва кейинчалик тренерлик фаолияти билан шуғулланди.

⁂

С. АҲРОРОВА: Менинг баъзи корхоналарда иш стажимни тасдиқлайдиган ҳужжатим йўқолган. Стажни тиклаш учун нима қилишим керак?

Жавоб: Агар бошқа ҳужжатлар орқали стажни тиклашнинг имкони бўлмаса, икки ёки уч гувоҳ топишингиз, улар ўзингиз ишлаган корхонада (ёки бир бошқармада) сиз билан бирга меҳнат қилган бўлиши шарт. Гувоҳларнинг эса ўша корхона (ёки бошқармада) ишлаганини тасдиқлайдиган ҳужжатлари бўлиши лозим.

«ИШҚИБОЗ»

ҲАЖВИЯ

—Қизиқ, мен нима айб қилдим ўзи, умуман тушунолмайман. Нега мени бу ёққа олиб келишди, а?

—Нега ичдингиз?

—Ичганим йўқ, фақат озгина отишга тўғри келиб қолди.

—Нима учун?

— Ҳозир тушунтираман, ҳозир. Гап бундай, ўша куни беш йилдан бери кўрмаган ўртоғим Валибойни учратиб қолдим. У хизмат бурчини ўтаб қайтган экан. Йўқ, йўқ, армияни эмас, ҳеч ким эшитмасину, ака, ҳалиги турмани. Мен эса футболга кетаётгандим. Ўша куни «Пахтакор» «Динамо» биланми, «Спартак» биланми (барибир эмасми) ўйнаши керак эди. Сизни билмадиму ака, аммо мен футбол деса, ўзимни томдан эмас, жарга ташлаб юбораман. Хуллас, ўша куни эсон-омон кўришганимиз ва «Пахтакор»нинг ғалабаси учун озгина отдик. Энди ўрнимиздан қўзғалмоқчи бўлиб тургандик, бир пайт Мели полвон келиб қолди. Ҳойнаҳой танисангиз керак, ўзимизнинг Мели полвонда. Ўзингиз айтинг, полвон учун отмай бўладими? Отдик, кўп эмас, озгина. Бир пайт энди ўрнимиздан қўзғалмоқчи бўлиб тургандик, узоқдан ҳаллослаб Илҳом қассоб келиб қолди. Туғруқхонадан келаётган экан. Ўғил кўрибди. Ўзингиз айтинг, бунинг учун отмай бўладими? Отдик, кўп эмас, озгина. Сўнг яна кимдир даврага қўшилди. Танишганимиз учун оз-оздан олдик. Сўнг улар у ёққа кетишди, мен бу ёққа кетдим.

—Қаёққа кетишди?

— Мен қаердан биламан, сўраганим йўқ.

—Сиз-чи?

— А-ҳа, мени айтяпсизми? Стадион томон йўл олдим. Бироқ, афсуски стадионгача етиб бориш менга насиб қилмаган экан. Шу денг, стадионга озгина қолган эди. Худди шу пайт фалокат юз берди. Ер кўк чирпирак бўлиб айлана бошлади. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди, чамамда ўша куни етти-саккиз балли зилзила бўлдиёв. Газеталарда ёзишган бўлса керак, ўқидингизми?

—Йўқ.

— Нега йўқ бўларкан. Ёзишмаган бўлса, энди ёзишади.

— Сизнингча шундайдир.

— Нега менимча бўлар экан. Ахир ўша куни ер остин-устун бўлди-ку, ўз кўзим билан кўрганман. Шунинг учун, яъни устимга дарахтми ёки биноми қулаб тушмасин деб, йўлга ётиб ола қолдим. Кўзимни очиб қарасам, аллақандай бинода ётибман. Кейин билсам «Ҳушёрхона» экан. Ўзингиз айтинг, мен бирон айб қилдимми?

Ш. ҚОДИРОВ.

физкультура ва СПОРТ

Баскетбол

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВЛАР ОЛДИНДА

Баскетбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган аёллар командалари Тошкентда 48-чемпионатнинг иккинчи тур ўйинларини ниҳоясига етказишди. Иккинчи кичик группага уюшган беш коллектив финалга чиқиш ҳуқуқини берувчи икки йўлланмадан бирини қўлга киритиш учун курашди. Шуни айтиш кераккн, декабрь ойининг сўнгги ўн кунлигида бўладиган ҳал қилувчи тур олдидан пешқадам коллективларнинг мавқелари бир хил бўлиб турибди. Энди иккинчи тур ўйинларига тўхталайлик.

Аввало, биринчиликда республикамиз шарафини ҳимоя қилаётган коллектив ҳақида тўхташ лозим. Тошкент Давлат физкультура институтининг спорт клуби бундан бир неча йил аввал олий лигада баҳс юритган эди. Шу боисдан ҳам уни мутахассислар ва мухлислар яхши билишади деб ўйлаш мумкин. Бироқ, коллективда кейинги йилларда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Янги тренер сайланди. Ўйинчиларнинг ҳам кўплари янги. Ҳозир тошкентлик баскетбол мухлисларининг олдида бутунлай янги команда майдонга чиқмоқда. Унинг ҳужумкор хислатлари билан бирга, олдида ҳал қилиш лозим бўлган муҳим муаммолар ҳам турибди.

Икки йилдан буён клубга устозлик қилаётган СССРда хизмат кўрсатган тренер Л. Величконинг олдида бу йилги мавсумга тайёргарлик кўриш пайтида жуда кўп муаммолар пайдо бўлди. Умуман олганда, бу масалалар барча аёллар командаларига хос масалалардир. Спортчи қизлар турмушга чиқиб, командадан кетишди. Айримлари фарзандлик бўлишди. Шу боисдан ҳам тренер шошилинч равишда В. Семина, Т. Тикстон, Н. Бодрова, Е. Старостина, Е. Никифороваларнинг ўрнига янги ўйинчилар топишга мажбур бўлди. Натижада коллективнинг сафига янги спортчилар келиб қўшилди. Уларнинг орасида ленинградлик О. Фёдорова, олмаоталик И. Мартиненко, Н. Балухова, Л. Брускова, новосибирсклик С. Кривцова, томсклик Г. Токарева, москвалик Н. Попковалар бор.

Тренер Л. Величко жонкуярлик туфайли команданинг эски ўйинчилари билан янги ўйинчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Натижада ҳар қандай муаммони ҳал қилишга қодир бўлган жанговар коллективни тиклашга эришилди. Бу командада ҳужумкор марказий ўйинчиларнинг танқислиги сезиляпти. Худди шу нарса тошкентликларни майдонда бутун ўйин давомида тер тўкиб ҳаракат этишга мажбур этяпти. Команда тез ҳужум уюштириш, нуқсонсиз ҳимояланиш қобилиятига эга.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, спортчи қизларнинг яхши ўйин кўрсатиш учун қилаётган ҳаракатлари зое кетаётгани йўқ. Қизларимиз майдонда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб, ғалабани қўлга киритиш учун бор маҳоратларини сарфлашмоқда.

Энди чемпионат ҳақидаги фикримизни давом эттирайлик. Спортчиларимиз ўз олдиларига финалда қатнашиш вазифасини қўйишган. Бу мақсадга эришиш учун улар ўз группаларида кам деганда иккинчи ўринни эгаллашлари керак. Тўғрисини айтганда, бу вазифани уддалаш анча мушкул. Чунки Пенза шаҳрининг «Спартак» командаси ҳам ўз олдига ана шундай вазифа қўйган. Маълумки, бу команда ўтган йили олий лигани тарк этган эди. Айни пайтда Фрунзенинг «Строитель» командаси ҳам олий лигада қатнашиш орзусидан воз кечгани йўқ. Фрунзе шаҳрида бўлган биринчи тур учрашувларида бу икки коллектив тошкентлик баскетболчиларни мағлубиятга учратишга эришди. Шунинг учун ҳам ҳамшаҳарларимиз олдида бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдириш вазифаси турар эди.

Баскетболчиларимиз олмаоталик дугоналари ва Боку шаҳрининг «Меҳнат резервлари» командасининг қизларини мағлубиятга учратганликлари мутахассисларни ажаблантирмади. Чунки бу командалар маҳорат борасида ҳамшаҳарларимиздан анча паст туришарди. Аммо «Строитель» ва «Спартак» командалари билан бўлган учрашувларда жуда кўп куч ва ирода сарфлашга тўғри келди.

«Строитель» командаси билан бўлган учрашув майдон эгаларининг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Рақиб команда қизлари биринчи бўлимнинг охирларида ҳисоблар орасидаги фарқни қисқартиришга муваффақ бўлишди. Айниқса, иккинчи бўлимда аҳвол кескинлашди. Ҳисоблар орасидаги фарқ бир очкога тенг бўлиб қолди. Ана шу қийин дақиқаларда қизларимиз уюшқоқлик билан ўйнаб, ғалабани қўлга киритишга муваффақ бўлишди — 58:54.

Физкультура институти спорт клуби қизларининг бу турдаги энг чиройли ўйини Пенза шаҳрининг «Спартак» командаси билан бўлган учрашувда кўзга ташланди. Қизларимиз майдонда фақат ғалабани кўзлаб ҳаракат қилишди. Тўғри, учрашув бошланишида меҳмонлар олдинда бораётган эдилар. Ана шундан кейин тошкентлик қизлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, дақиқалар ўтиши билан мавқеларини мустаҳкамлаб боришди. Натижада муҳим ғалаба қўлга киритилди —66:54. Бу муваффақиятни таъминлашга майдонга чиққан ҳар бир ўйинчи ўзига хос улуш қўшди. Уларнинг орасида Л. Резаева, О. Фёдорова, И. Мартиненко, Е. Когон, С. Кривцова, Н. Попковалар бор эди. Айниқса, клубнинг маҳоратли ҳужумчиси Татьяна Кармашова ажойиб маҳорат кўрсатди. У командасига 21 очко келтирди. У Тошкентда бўлган учрашувларда 60 очко тўплашга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, Пенза шаҳрида бўладиган ҳал қилувчи тур олдидан пензалик спортчилар активида етти, тошкентлик спортчилар активида эса олти ғалаба бор. Фрунзенинг «Строитель» командаси ҳамшаҳарларимиздан бир очко орқада қолмоқда. Шунинг учун ҳам Тошкент Давлат физкультура институти спорт клубининг «Строитель» командаси билан учинчи учрашуви ниҳоятда муҳим бўлади. Чунки икки команда бир хил натижага эришган тақдирда шу командалар ўртасидаги учрашувларнинг натижаси эътиборга олинади.

С. ДАНИЛОВ.

МУҲИМ ҒАЛАБА

Энг аввало бир сирдан воқиф этмоқчиман. Тбилисининг «Динамо» командаси билан бўладиган учрашувда Тошкентнинг «Университет» командасининг составида хизмат кўрсатган спорт мастери, Олимпиада чемпиони Алжан Жармуҳамедов майдонга чиқиши тахмин қилинган эди. Тбилисилик баскетболчилар учун бу албатта хушхабар эмасди. Бироқ, Жармуҳамедовнинг яна ўз клубига қайтишини расмийлаштириш ишлари чўзилиб кетди. Бу ўйинчи «Университет»да маҳорат ошириб катта спорт йўлига чиққан эди.

Тошкентда бўлган учрашув худди Тбилисидаги учрашувга ўхшаб борди. Биринчи учрашувда бўлганидек бу сафар ҳам меҳмонлар узоқ вақт ҳисобда олдинда боришди. Майдон эгалари вазиятни тенглаштириш учун бор маҳоратларини ишга солдилар. Бу сафар ҳам биринчи учрашувдаги сингари ҳал қилувчи дақиқада омад меҳмонлардан юз ўгирди.

... Баскетбол мухлислари 78:75 ҳисобини кўриб бу коллективлар жуда паст натижа кўрсатибди деб ажабланишлари мумкин. Агар у бундай рақамга фақат қўшимча ажратилган вақтда эришилганлигини билса таажжубга тушиши аниқ. Гапнинг моҳияти нимада? Нима учун ҳар икки команданинг баскетболчилари ҳужумкор ўйин кўрсатишга қодир эканликларига шубҳа туғдириб қўйишди? Бунга биринчи навбатда учрашувнинг натижаси билан боғлиқ бўлган руҳий безовталик сабаб бўлди. Тўғрисини айтганда ҳар икки команда ҳам жуда кўп ҳужум уюштирди. Аммо бу сафар ўйинчилар ҳужумни ташкил қилишаётганда жуда кўп хатога йўл қўйдилар.

Ўйин қандай давом этди? Т. Чихладзе ва Н. Дерюгинларнинг маҳоратли ҳаракатлари туфайли бутун биринчи бўлим давомида меҳмонлар ҳисобда олдинда боришди. Улар айрим дақиқаларда ҳисоблар ўртасидаги фарқни 10 очкога етказдилар. Имкониятни тенглаштиришга ҳаракат қилган тошкентликлар аста-секин ҳисобни тенглаштириб боришди. Учрашувнинг 25-минутида улар ҳисобни тенглаштирдилар — 50:50. Асосий вақтда ҳисоб 70:70 бўлиб қолди.

Қўшимча белгиланган беш минутда меҳмонларнинг имкониятлари устун кўринар эди. Чунки бу вақтга келиб тошкентликлардан Л. Сухарев ва В. Филюшкинлар майдондан чиқиб кетишган эди. Аммо ёш ўйинчи О. Воропай юксак маҳорат кўрсатди. Ҳал қилувчи дақиқаларда Н. Бузляков, Т. Авдеев, С. Гаврилов, В. Семинлар ҳам яхши ҳаракат қилишди. Улар уюшқоқлик билан ўйнаб муҳим ғалабани қўлга киритдилар 78:75.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотолари.

Хоккей

Мақсадга интилиб

Шайбали хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган «Бинокор» командаси бу йилги мавсумни яхши ўтказиш ва олий лигада қатнашиш учун ўтказиладиган турнирда иштирок этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Шу боисдан ҳам ҳамшаҳарларимиз учрашувларни ҳужумкорлик руҳида ўтказишмоқда. Жумладан, улар Новосибирск шаҳрида маҳаллий армия спорт клуби командаси билан бўлган икки учрашувда ғолиб чиқиб ўз активларига тўрт очко ёзишга муваффақ бўлишган эди.

Тошкентда Усть-Каменогорск шаҳрининг «Торпедо» командаси билан бўлган учрашувлар ҳам ниҳоятда муросасиз бўлди. Ҳар икки команда бир хил мақсад—кучли олтиликдан жой олиш учун курашмоқда. Дастлабки кунги учрашувда 4:5 ҳисобида меҳмонлар ғолиб чиқишди. Такрорий учрашувда эса тошкентлик хоккейчилар мағлубият аламини олиш учун бор маҳоратларини ишга солдилар. Натижада улар рақиб команданинг дарвозасига етти марта шайба киритдилар. Меҳмонлар эса тўртта жавоб шайбаси киритишди.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Белгород шаҳрида мамлакатимиздаги политехника олий ўқув юртлари студентларининг Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилди. Бу беллашувлар студентларнинг спорт маҳоратини кўрикдан ўтказиш манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мусобақаларнинг боришини мутахассислар синчковлик билан кузатадилар. Бу сафар айниқса, аёллар ўртасида баскетбол бўйича ўтказилган турнир ниҳоятда қизиқарли бўлди. Ғолиблик учун бўлган баҳсларда Тошкент политехника институтининг баскетболчи қизлари юксак маҳорат кўрсатишди. Улар барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, бош совринни қўлга киритдилар.

* * *

Волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган аёллар командалари 43-чемпионат ўйинларини бошлашди. Олмаота шаҳрида олти коллектив дастлабки учрашувларни ўтказди. Биринчи куни Тошкентнинг «Автомобиль» командаси майдон эгалари бўлган АДК коллективи билан майдонга чиқди. Бу учрашув ниҳоятда кескин кураш остида ўтди. Бешинчи партияда ғолиб аниқланди. Бу сафар омад ҳамшаҳарларимизга кулиб боқди. Шундай қилиб, Тошкентлик волейболчи қизлар ўз активларига дастлабки ғалабани ёзиб қўйишга муваффақ бўлишди.

Бу ерда Минскнинг «Искра», Одессанинг «Медин», ўтган йилги мамлакат чемпиони Свердловскнинг «Уралочка», Москванинг «Динамо» командалари тўпланган.

Иккинчи группага уюшган командалар беллашувларни Северодонецк шаҳрида ўтказишади. Шуни айтиш керакки, бу йил чемпионатни ўтказишга бирмунча ўзгаришлар киритилди. Олий лига составида қатнашаётган ўн икки коллектив дастлаб икки кичик группага бўлиниб, баҳслашадилар. Иккинчи тур якунига кўра биринчи-олтинчи ва еттинчи-ўн иккинчи ўринни олган командалар аниқланади. Дастлабки олтиликдан жой олган коллективлар мамлакат биринчилигининг медаллари учун бўладиган ҳал қилувчи беллашувларда иштирок этишади. Ҳамшаҳарларимизнинг олдида ҳам ана шу кучли олтиликдан жой олиш вазифаси турибди.

* * *

Бадиий гимнастика бўйича ўтказилган республика биринчилиги тренер ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлди. Чунки спортнинг бу тури олимпиада программасига киритилган. Ғолиблик учун баҳс асосан «Ёш куч» жамиятининг вакиллари Ирина Гурко ва Ирина Анпилогова ўртасида бўлди. Сўнгги машқни бажаришда Анпилогова энг юқори балл тўплаб, бош совринни қўлга киритди.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИНО

5 ДЕКАБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АСОСИЙ МАЙДОН» — **Фестиваль.**

«АСРЛАРГА ТЕНГ ПУЛ». — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ЛЕНИН СЎНГГИ ПОДПОЛЬЕДА», «ВАЗМИН ЕР» — **Чайка.**

«ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ», «ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК» — **Москва.**

«ИНҚИЛОБ ЛАШКАРБОШИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«СМОЛЬНИЙДАГИ ЛЕНИН КАБИНЕТИ» — **Дружба, Нукус.**

«ЛЕНИННИНГ ДАСТХАТЛАРИ» — **Қозоғистон.**

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ», «МАГНИТОГОРСК ВАТАНИМИЗ ФАХРИ» — **Лисунов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОКЕАНДАГИ КИШИЛАР» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ТУЛКИ ОВИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ИЗҚУВАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.30, телефон 78-47-25).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ (2 серия) — **Дружба** (17.30, 20.00).

«САВОЙЯ»НИНГ ЎГИРЛАНИШИ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ИППОДРОМ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

6 ДЕКАБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АСОСИЙ МАЙДОН» — **Фестиваль.**

«АСРЛАРГА ТЕНГ ПУЛ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ЛЕНИН СЎНГГИ ПОДПОЛЬЕДА», «ВАЗМИН ЕР» — **Чайка.**

«ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ», «ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК» — **Москва.**

«ИНҚИЛОБ ЛАШКАРБОШИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«СМОЛЬНИЙДАГИ ЛЕНИН КАБИНЕТИ» — **Дружба, Нукус.**

«ЛЕНИННИНГ ДАСТХАТЛАРИ» — **Қозоғистон.**

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ», «МАГНИТОГОРСК— ВАТАНИМИЗ ФАХРИ» — **Лисунов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОКЕАНДАГИ КИШИЛАР» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ТУЛКИ ОВИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ИЗҚУВАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.30, телефон 78-47-25).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — (2 серия) — **Дружба** (12, 14.30, 17.30, 20.00).

«САВОЙЯ»НИНГ ЎГИРЛАНИШИ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ИППОДРОМ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

Ўрта Осиё темир йўли ишчилар таъминоти бўлими 1-НОДига қарашли нон комбинатининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5, 6, 7 ДЕКАБРДА
РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВАЛЕНТИН ИВАНОВ ва ВАНДА ИВАНОВА раҳбарлигидаги
«ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ»НИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ТИК ДАЛА»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ

Сценарий муаллифлари — Леон САAКОВ, Алексей ТИММ.
Постановкачи режиссёр — Леон СААКОВ.
Ролларда: — Дмитрий ФРАНЬКО, Николай ЛЕБЕДЕВ, Ольга АГЕЕВА, Анатолий ГРАЧЕВ, Нина МЕНЬШИКОВА **ва бошқалар қатнашадилар.**

Олтой ўлкаси ўзининг меҳнатсевар, соф кўнгил, хушчақчақ кишилари билан машҳур. Бу ўлкада яшовчилар она ер ташвиши ва дон етиштириш ишқи билан яшайдилар.

Бугунги кунда, яъни қишлоқ хўжалигини сифатли ўзлаштириш муаммоси ҳал этилаётган паллада бу ўлка меҳнат аҳли янги зафарлар сари катта қадам қўйдилар. Бу жараён қандай кечмоқда? Замонавий қишлоқ аҳли қандай маънавий муаммоларни ҳал қилмоғи керак? Ҳозирги кун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қандай раҳбарлик қилиш керак ва бу раҳбар қандай бўлмоғи лозим? Худди шу масалаларни «Тик дала» фильми авторлари ҳал қилишга уринадилар.

Олтой ўлкасидаги илғор колхозлардан бирининг раиси, собиқ фронтчи Степан Григорьевич Кочкаринннинг ҳаёти ва иш фаолияти картинанинг асосини ташкил этади.

Раис колхозни марказлаштириш ғоясини қўллаб-қувватлайди. У ўз фикрида қаттиқ туриб, гоҳо қизишади, гоҳо нсҳақликка ҳам бориб етади.

Олтин куз палласи бошланди. Ёз бўйи тер тўкиб етиштирилган ҳосилни ҳеч нобуд қилмасдан давлат омборига топшириш учун ёшу-қари қатнашади...

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ

ДИҚҚАТ: ГАЗ МАГИСТРАЛЛАРИ!

Магистраль газ қувурлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлган қимматбаҳо иншоотдир, шунинг учун ҳам унга ва магистраль иншоотлар (алоқа йўллари, кранлар, задвижкалар, белгилар ва бошқаларга) нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳар бир гражданнинг бурчидир.

Шуни унутмангки, газ қувурлари — хавф туғдириш манбаидир!

Магистраль газ қувурлари трассаси ўтган жойлардаги районларда кишилар ҳалокатга учрашининг ҳамда моддий зарар етказишнинг олдини олиш учун муҳофаза зонасида (газ қувурлари ўқидан 250 метр масофада)

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ

бирон-бир қурилиш бошлаш;

дала шийпони қуриш, ток ўтказиш, заправка пункти қуриш;

қорамоллар учун суғориладиган ҳовуз ёки қўра қуриш;

хашак ғарамлаш, пахта қуритиш ва сақлаш учун майдон тайёрлаш;

қум ёки бошқа нарсалар кавлаб олиш;

ахлатхона қилиш;

сомон-хашак ёки қишлоқ хўжалик чиқиндиларини ёқиш,

Кишилар, техника, қорамол йиғишга йўл қўйиш.

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА «ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СН-452-73» магистраль қувурлар учун ер ажратиб бериш нормаларига мувофиқ, магистраль қувурлар ўтказилган ер сатҳидан фойдаланувчилар қувурларнинг бутунлигини сақлаш бўйича тадбирларга риоя қилишлари керак!

Қишлоқ хўжалик ишларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда дала ишлари олиб боришда моддий зарар етказмаслик мақсадида газ қувурлари ўтган райондаги ердан фойдаланишда «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасидан рухсат олиш керак.

«УЗБЕКТРАНСГАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг адреси: Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогическая кўчаси, 31 «А»-уй.

Маълумотлар олиш учун Коган, Ғаллаорол, Оқтош, Фарғона линия газ қувурлари ишлаб чиқариш бошқармаларига мурожаат қилиш мумкин.

«УЗБЕКТРАНСГАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 КПСС XXVI съезди олдидан. «Буюк китоб боблари». «Давр, олға бос!». 1-фильм. 20.30 Меҳнат ветеранларининг талабларига биноан концерт. 21.30 «Время». 22.15 «Балет ҳақида». СССР халқ артисти М. Лиепа. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Волачаевкалик болалар». 18.45 «Зангори экран» почтаси». 19.15 «Партия ходими минбари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёзувчи Ю. Ильинский —студиямиз меҳмони» (рус.). 20.10 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Қашқадарё область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Қўқон воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 23.20 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.55 «Тошкент область Оржоникидзе райони чорвадорлари ҳузурида». 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 22.25 «Ўрмон қиссаси». Бадиий фильм.

6 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.45 «АБВГДейка». 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». Белоруссия ССР бадиий коллективлари иштирокида программа. Минскдан олиб кўрсатилади. 11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.45 «Спортлото»нинг 49-тиражи. 12.00 П. Дюка. «Сеҳргарнинг шогирди». Симфоник скерцо. 12.15 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Ғарбий фронт 5-армияси ветеранларининг учрашуви. 13.30 «Поэзия». Михаил Луконин. 14.20 Халқ чолғулари ва халқ қўшиқлари ижрочилари II Бутунроссия конкурси лауреатларининг Ленинград Давлат филармониясининг Катта залидаги концерти. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун. «4«А» мушкетёрлари». Телевизион бадиий фильм. 15.55 Миллий байрам — Мустақиллик эълон қилинган кунга бағишланган Финляндия телевидениесининг программаси. 16.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.50 «Иван Семёнович Козловский концерти». Телевизион фильм премьераси. 18.35 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Москвада Праде музейидаги испан живописи дурдоналари. 19.35 П. Вирский номли Украина ССР Давлат академик хизмат кўрсатган рақс ансамблининг концерти. 20.25 «Иффатли Марта» Телевизион бадиий фильм премьераси. Тирсо де Молинанинг шу номли комедияси мотивлари асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Иффатли Марта». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.30 «Москва олимпиадаси юлдузлари». 1-фильм. Сузиш. 00.30 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.10 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг «Дружба» универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Чет эл Шарқи халқларининг куйлари». 10.50 «Ўзбекистон спорти». 11.20 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм. 12.35 Ўзбекистонда Испания маданияти кунлари. 13.05 «Умр зийнати». Республикада хизмат кўрсатган агроном А. Каримов ҳақида телеочерк. 13.20 «Қўқон воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 14.25 «Оҳанг, оҳанг, оҳанг». Фильм-концерт.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун концерт. 18.50 «Куз лавҳалари». Кўргазма залидан репортаж (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Ҳамроқулов ва солист Н. Ўрозова иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 В. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва санаб ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳамда халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик маркази коллективи маданий-оқартув муассасалари бошқармасининг бошлиғи Р. Ҳ. Хўжаевга қизи

ГУЛНОРАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 14-поликлиника коллективи шу поликлиниканинг врачи

Ҳабибулла ТУРСУНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 ДЕКАБРЬ, 1980 й. Р—03389. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2289.